*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 194 (8434). 11 октябрь, 1984 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

**Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!**

# Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр — социализм ва коммунизм тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин абадий барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, улуғ Ленин васиятларига садоқат — барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

5. Коммунистлар! Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

Ривожланган социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштириш — партия билан халқнинг стратегик вазифасидир!

6. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз!

1984 йилги планни, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарайлик!

7. Коммунизм бинокори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

8. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

9. Яшасин жамиятимиз кучининг ҳаётбахш манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг мустаҳкам интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

10. Яшасин чинакам демократик ҳокимият органлари — халқ депутатлари Советлари!

Советлар мамлакатининг гражданлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда активроқ қатнашингиз!

11. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг меҳнат активлиги ва ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

12. Яшасин Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

13. Йигит ва қизлар! Билимларни, маданият, профессионал маҳоратни тинимсиз эгаллангиз! Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини кўпайтирингиз!

Ленинча яшаш, ишлаш, курашишни ўрганингиз!

14. Шонли ветеранлар, ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодга ўз билимингиз, бой ҳаётий тажрибангизни ўргатингиз!

Йигит ва қизларни Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидокорона курашчилар этиб тарбиялангиз!

15. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив қатнашингиз!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзи болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

16. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг тарихий ғалабаларини сергаклик билан пухта ҳимоя қилингиз!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

17. Ленинчи большевикларга, партия ветеранларига, Октябрь қаҳрамонларига, Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун барча довюрак курашчиларга шон-шарафлар!

Улуғ Ватан урушида жаҳоншумул-тарихий ғалаба қозонган совет жангчиларининг, партизанлар ва подпольечиларнинг, мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларнинг мислсиз жасорати халқ хотирасида абадий яшайверсин!

18. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ўстириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажариш учун сабот билан курашингиз!

19. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштирингиз! Фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани сабот билан ишлаб чиқаришга жорий этингиз!

Халқ хўжалигини интенсив ривожлантирайлик!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Машиналар ва асбоб-ускуналардан яхши фойдаланингиз!

Ишлаб турган ва янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқроқ ўзлаштирингиз!

21. Совет Иттифоқи гражданлари! Иқтисод ва тежамкорлик учун кураш ҳаракатини кенгроқ авж олдирингиз!

Меҳнат, ёқилғи-энергетика ресурслари ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланингиз!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш учун меҳнат коллективларининг ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланингиз!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришда актив қатнашингиз!

Зарбдор, ватанпарварлик меҳнати билан Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлангиз!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Уюшқоқлик ва интизомни ҳар томонлама кучайтирингиз!

Маҳсулот етказиб бериш планлари сўзсиз бажарилишига эришингиз!

25. Ёқилғи-энергетика комплекси ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб олишни, электр энергия ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишни кўпайтирингиз!

Энергетика программасини бажариш учун сабот билан курашингиз!

26. Совет металлурглари! Мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжини пухта таъминлангиз!

Юқори сифатли, тежамли металл маҳсулотлар ишлаб чиқарингиз!

27. Машинасозлар! Серунум, тежамли ва пишиқ машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари яратингиз!

(Давоми иккинчи бетда).

# КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

9 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко ва Совет Иттифоқига расмий визит билан келган Яман Араб Республикаси Президенти А. А. Солиҳ ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов; Шимолий Яман томонидан — вице-президент, Халқ таъсис мажлисининг раиси, Умумхалқ конгресси (УХК) доимий комитетининг аъзоси Абдул Карим ал-Араши, зилзиладан зарар кўрган районларни қайта тиклаш Олий Кенгашининг Раиси, Маслаҳат Кенгашининг аъзоси, УХК доимий комитетининг аъзоси Абдул Карим ал-Арёни, президент маслаҳатчиси, Маслаҳат Кенгашининг аъзоси, УХК доимий комитетининг аъзоси Ҳасан Муҳаммад Макки, Маслаҳат Кенгашининг аъзоси, УХК доимий комитетининг аъзоси Абдалла бин Ҳусайн ал-Аҳмар, ташқи ишлар министри, УХК доимий комитетининг секретари Аҳмад Муҳаммад ал-Асбахи, молия министри Муҳаммад Ходим ал-Вожиҳ, граждан хизматлари ва маъмурий ислоҳот ишлари министри Исмоил Аҳмад ал-Вазир, давлат министри, нефть ва минерал ресурслар бошқармаси раиси, УХК доимий комитетининг аъзоси Али Абдураҳмон Бахр иштирок этдилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган музокаралар чоғида СССР билан ЯАР ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар, шунингдек халқаро аҳволга оид баъзи муҳим проблемалар батафсил кўриб чиқилди.

К. У. Черненко билан А. А. Солиҳ Совет — Шимолий Яман муносабатларининг аҳволидан мамнуният изҳор қилдилар ва ҳар иккала томон шу муносабатларни янада ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш ниятида эканликларини таъкидладилар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Яман Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида томонлар биргаликда тайёрлаган Шартномани имзолаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан таъкидлаб ўтилганидек, Шартноманинг имзоланиши — Совет—Шимолий Яман дўстона муносабатлари аввал бошдан муваффақиятли ривожланиб келаётганлиги натижасидир. Иккала томон бу шартнома шу муносабатларни турли соҳаларда олға силжитиш учун ва ҳар иккала мамлакатнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик, давлатлар суверенитети ва мустақиллигини ҳурматлаш принципларини қарор топтириш манфаатларини кўзлаб халқаро майдонда баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари учун мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий негиз яратади, деб ҳисоблайди.

Президент А. А. Солиҳ Совет Иттифоқи яман халқининг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиётга эришиш йўлидаги куч-ғайратларида унга кўрсатаётган ёрдамга юксак баҳо берди.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида Яқин Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. АҚШнинг мададига таянаётган Исроилнинг агрессив ҳаракатлари давом этаётганлиги бу ерда ғоят хатарли вазият сақланиб қолаётганлигининг сабаби эканлиги қайд этиб ўтилди. АҚШ гегемонизм ва экспансионизм йўлига ўтиб олиб, араб мамлакатлари ва халқларининг, аввало фаластинлик араб халқининг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини поймол этмоқда.

Томонлар Исроил Ливан территориясини оккупация қилиб туришни давом эттираётганлигини қатъиян қораладилар ҳамда Исроил қўшинларини Ливандан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетишга даъват этдилар.

К. У. Черненко Яқин Шарқдаги аҳволни тубдан яхшилашга биргаликда куч-ғайрат сарфлаш йўли билангина — барча манфаатдор томонлар, жумладан Фаластин араб халқининг бирдан бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик Ташкилоти иштирокида халқаро конференция чақириш йўли билангина эришиш мумкинлигини таъкидлади. Яқин Шарқ можаросини бартараф этишга доир Совет Иттифоқининг яқинда қилган таклифлари айнан мана шу йўлни кўрсатади. Бу таклифлар Исроил қўшинлари 1967 йилда босиб олинган Араб территорияларидан батамом олиб чиқиб кетилишини, Яқин Шарқ можаросини бартараф этишнинг энг асосий проблемаси — Фаластин проблемаси фаластин халқининг дахлсиз миллий ҳуқуқларини, шу жумладан унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини амалга ошириш асосида адолатли ҳал этилишини кўзда тутади.

Совет Иттифоқи, деди К. У. Черненко, ҳамиша Исроил агрессияси ва империалистик зўравонликка қарши, ўз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган араб халқлари томонида туриб иш кўриб келди ва бундан буён ҳам шундай иш кўраверади. Бу йўл СССР ташқи сиёсатининг таг-заминли ленинча принципларидан келиб чиқади.

Президент А. А. Солиҳ Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ ишларида тутган принципиал ва изчил йўли катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, ЯАР Яқин Шарқ можаросини бартараф этишга доир шу йил 29 июлдаги Совет таклифларини қўллаб-қувватлайди, бу таклифлар араб халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, деди.

Томонлар империалистик доираларнинг ҳаракатлари сабабли халқаро вазият кескин кучайганлиги муносабати билан жиддий хавотирлик билдириб, қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва ядро урушининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигини айтдилар.

Иккала томон олий даражада ўтказилган Совет-Шимолий Яман музокаралари ҳамда Президент А. А. Солиҳнинг Совет Иттифоқига визити чоғида имзоланган қўшма ҳужжатлар Совет Иттифоқи билан Яман Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Музокараларда:

Совет томонидан — СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССРнинг ЯАРдаги элчиси А. И. Филев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси В. П. Поляков;

Яман томонидан — президент маҳкамасининг бошлиғи Али Муҳаммад ал-Анси, ЯАРнинг СССРдаги элчиси Абду Усмон Муҳаммад ҳозир бўлдилар.

* * *

Кремлда музокаралар тугаганидан кейин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Яман Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзолаш маросими бўлди.

Шартномани Совет Иттифоқи номидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко, ЯАР номидан — Яман Араб Республикаси Президенти А. А. Солиҳ имзоладилар.

Сўнгра Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Яман Араб Республикаси ўртасида консуллик конвенцияси имзоланди. Конвенцияни СССР номидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ЯАР номидан — ЯАР ташқи ишлар министри, УХК доимий комитетининг секретари А. М. ал-Асбахи имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар;

Яман томонидан — президентга ҳамроҳлик қилаётган ЯАР давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

* * *

Музокаралар тугагандан кейин А. А. Солиҳ ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

Совет раҳбарлари билан ўтказган музокараларимиз муваффақиятли бўлди. Биз музокараларда ҳукм сурган ҳамжиҳатлик руҳидан, хоҳ икки томонлама муносабатларга доир масалалар арабларнинг ишларига ёки икки томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар бўлмасин, муҳокама этилган кўпчилик проблемалар юзасидан нуқтаи-назарлар мос келганлигидан астойдил мамнуният изҳор қиламиз.

(ТАСС).



Музокаралар пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 9 октябрда Катта Кремль саройида Яман Араб Республикасининг Президенти Али Абдалла Солиҳ шарафига зиёфат бердилар.

А. А. Солиҳнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлиб келган ЯАР давлат арбоблари зиёфатда у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда К. У. Черненко, Н. А. Тихонов, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, П. Н. Демичев, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко зиёфатда нутқ сўзлади.

## К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарам яманлик дўстлар!

Азиз ўртоқлар!

Олий мартабали меҳмонимиз — Президент Солиҳни ва у билан бирга келган Яман Араб Республикасининг давлат арбобларини астойдил хурсандчилик билан табриклайман.

Мамлакатларимизнинг халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ ва шонли тарихга эгадир. Эрксевар Яман халқи ўз мамлакатига мустамлакачиларни йўлатмаслик, ўз давлатини сақлаб қолиш учун машаққат билан курашди. Бу курашда биз унга ҳамдам бўлдик.

Шимолий Яман халқи олдида мустақилликни мустаҳкамлаш, социал тараққиётни таъминлаш йўлини очиб берган 1962 йил сентябрь революциясидан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик айниқса мустаҳкамланди. Совет Иттифоқи бу мақсадларни ҳам рўёбга чиқаришда унга беғараз ёрдам берди ва ёрдам бермоқда.

Ҳозир ҳамкорлигимиз янги, янада юқори поғонага кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида янги шартнома имзоланди.

Бу муҳим ҳужжатда тенг ҳуқуқли ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш негизлари пухта равишда мустаҳкамланди. Суверенитет ва мустақилликни қатъий ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари тасдиқланди. СССР билан Яманнинг мустаҳкам тинчлик учун, гегемонизмга ҳамда ҳамма шаклдаги мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашдаги бирдамлиги эълон қилинди.

Шартноманинг моҳияти равшан: у ҳам бўлса—халқлар ўртасида дўстликдан, тинчлик ва халқаро хавфсизлик, шу жумладан Яқин Шарқда ҳам тинчлик ва халқаро хавфсизлик тантанасини кўзловчи ҳамкорликдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, бу шартномада ҳам бирон-бир давлатнинг манфаатларига дахл қила оладиган ёки ўзга мамлакатларга қарши қаратилган биронта қоида йўқ.

Президент жаноблари, бизнинг музокараларимизда жаҳон сиёсатининг йирик масалалари муҳим ўрин олганлиги табиий.

Ҳозир инсоният боши узра пайдо бўлган ядро ёнғини хавфини даф қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Бу хавф камаяётганидан дарак берувчи нишоналар кўринмаяпти. Қуролланиш пойгасининг янада кучайишига, уруш васвасасининг авж олдирилишига йўл қўймаслик учун барча катта ва кичик тинчликсевар давлатлар ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишлари керак бўлган вақт келди.

Яман Араб Республикаси ва бошқа араб давлатлари иштирок этаётган қўшилмаслик ҳаракати бу йўлда кўп иш қилаётганликларини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Яқин Шарқ региони зиммасига оғир синовлар тушди. Неча ўн йиллардан бери бу ерда хатарли тангликлар ва можаролар манбаи сақланиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби ҳаммага маълум. Бу сабаб АҚШ ва унинг «стратегик» иттифоқчиси бўлган Исроилнинг сиёсатидир.

АҚШ Яқин Шарқни ўзбошимчалик билан ўз «ҳаётий манфаатлари» соҳасига қўшиб олиб, аслида битта мақсадга — у ерда ўз ҳукмронлигини, яъни гарчи бирмунча янгиланган тарзда бўлса ҳам ўша мустамлакачиликни ўрнатиш мақсадини кўзламоқда.

Бу мақсадга эришиш учун ҳамма воситалар ишга солинмоқда. Баъзи давлатларга йирик калибрли тўплардан тўппа-тўғри ўқ отмоқдалар. Бошқаларга дўқ урмоқдалар. Яна бошқаларни пул эвазига сотиб олишга уринмоқдалар.

Аммо араб халқларининг озодлик ва мустақилликка бўлган иродаси янги мустамлакачиларнинг уринишларига қарама-қарши бўлиб турибди.

Регионда фақат битта давлат Яқин Шарқда Вашингтоннинг гумаштаси ва таёғи бўлиш ролини бажонидил ўз зиммасига олди. Бу — Исроил давлатидир.

Вашингтоннинг позициясида бирон-бир ўзгариш содир бўлаётган бўлса, бу ўзгариш ҳамиша Исроилнинг фойдасига ва араб халқларининг зарарига хизмат қилаётганлиги мутлақо табиийдир. Исроил янги ҳукуматининг Яқин Шарқ ишларига ёндашувида ҳам моҳият жиҳатидан бирон-бир ўзгариш бўлаётганини кўрмаяпмиз.

Яқин Шарқдаги мураккаб, кескин вазият, араблар Исроилнинг агрессив муддаоларига ва АҚШнинг хатти-ҳаракатларига қарши оғир кураш олиб боришга мажбур бўлаётганликлари араб мамлакатлари мустаҳкам баҳамжиҳат ҳаракатларининг, улар жипслигининг аҳамиятини қайта-қайта таъкидламоқда.

Шу муносабат билан қуйидагиларни айтмоқчиман. Кейинги ҳафта мобайнида биз икки Яман давлати — Яман Халқ Демократик Республикаси ва Яман Араб Республикасининг раҳбарлари билан яхши, ошкора суҳбатлар ўтказишга мушарраф бўлдик. Мана шу иккала араб давлати ўртасидаги муносабатларга хос бўлган ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик руҳи бизни астойдил қувонтиради.

Совет Иттифоқи — араб халқларининг содиқ ва ишончли дўстидир. Араблар ҳаққоний иш учун, ўз мустақиллиги ва суверенитетини сақлаб қолиш учун курашмоқдалар, шу боисдан ҳам биз араблар тарафидамиз.

Пинҳона ғаламисликлар ва сепарат битимлар эмас, балки можарони ҳар томонлама одилона бартараф этишгина Яқин Шарқ халқларига тинчлик беришига бизнинг ишончимиз комил. Совет Иттифоқининг куч-ғайратлари можарони айни мана шу тарзда бартараф этишга эришишга қаратилган.

Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция чақириш мана шу мақсадга эришишнинг катта йўлидир. Бу конференцияда Фаластин Озодлик Ташкилоти албатта ва тенг ҳуқуқли асосда қатнашиши кераклиги ўз-ўзидан равшан. Халқаро майдонда кенг миқёсда қўллаб-қувватланган бу таклифга муносабат эндиликда у ёки бу давлатнинг Яқин Шарқдаги аҳволни тинч бартараф этишга ёндашуви нақадар жиддийлигини билдирувчи ўзига хос тамал тоши, мезон бўлиб қолди.

Форс кўрфази ва Ўрта денгиз районида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш юзасидан биз илгари ўртага қўйган таклифлар ҳам ўз кучини тўла-тўкис сақлаб қолмоқда. Биз бу регионларда ажнабий давлатларнинг ҳарбий денгиз фаолиятини чеклаш, бу ерда ажнабий ҳарбий базалар вужудга келтирилишига ва ядро қуроли жойлаштирилишига йўл қўймаслик, куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик ва бу ерда

(Давоми иккинчи бетда).

# Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг ЧАҚИРИҚЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришни тезлаштирингиз!

28. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалигининг ва аҳолининг химиявий маҳсулот ҳамда материалларга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлангиз!

29. Саноат ходимлари! Аҳоли учун юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олингиз, молларнинг турларини янгилашни тезлаштирингиз!

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш — халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишидир!

30. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалиги юклари узлуксиз ташилишига, аҳолига хизмат қилишнинг юксак маданиятига эришингиз!

31. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал қурилиш самарадорлигини оширингиз!

Замонавий техника асосида тежамли ва сифатли қурингиз! Ишга тушириладиган объектларни юқори сифатли ва ўз вақтида топширингиз!

32. Агросаноат комплекси ходимлари! Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашни тезлаштирингиз! Мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлашга эришингиз!

Озиқ-овқат программасини бажариш учун сабот билан курашингиз!

33. Колхозчилар, совхоз ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини активроқ жорий қилингиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарорлигини ошириш учун мелиорациядан кенг фойдаланингиз!

Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтирингиз!

Келгуси йил ҳосилига эътибор ва ғамхўрлик қилайлик!

34. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари! Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз, унинг маҳсулдорлигини оширингиз!

Чорва қишлови уюшқоқлик билан ўтказилишига эришингиз! Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз!

35. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлаш, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма маҳсулотни сақлаб қолайлик ва халқ фаровонлиги йўлида ишлатайлик!

36. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг ҳар хил хизмат турларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

37. Совет олимлари! Тадқиқот ишлари самарадорлигини оширингиз! Илм-фан ютуқларининг практикага жорий этилишига қўшадиган ҳиссангизни кўпайтирингиз!

38. Идеология фронти ходимлари! Партия ғояларини оммага эътиқод ва эҳтирос билан етказингиз, ривожланган социализм жамиятининг ютуқларини чуқур ва ёрқин очиб берингиз! Империалистларнинг қўпорувчилик пропагандасини актив фош этингиз!

Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ишидир!

39. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчиллик байроғини баланд кўтарингиз!

Янги, социалистик цивилизациянинг маънавий бойлигини ўзида мужассамлаштирган асарлар яратингиз!

40. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия беришни такомиллаштирингиз! Мактаб ўқувчиларида ижтимоий фойдали меҳнатга муҳаббат уйғотингиз!

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда актив қатнашингиз!

41. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшилангиз! Даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширингиз!

42. Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг муваффақиятларини кўпайтирингиз! Физкультура ҳаракатининг оммавийлиги оширилсин!

Физкультура — халқ соғлиғига хизмат қилсин!

43. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини, кенг халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсати!

44. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

45. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализм!

46. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

47. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги азму қарори!

48. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлиб, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган халқларга қардошлик саломи!

49. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардона курашаётган халқларга қардошлик саломи!

50. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

51. Фашистлар зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга — озодлик, демократия ва социализм учун курашчиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинлари озод қилинсин!

52. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессияга ва зўравонликка қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ҳамда танглик вазиятлари манбаларини тугатиш учун қатъият билан курашингиз!

53. Империализмга, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик саломи!

Намибия халқига озодлик! Жанубий Африкада шармандали апартеид системаси тугатилсин!

54. Империализм ва реакцияга қарши, тинчлик ҳамда ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига қизғин салом!

Жаҳон халқлари! АҚШнинг Никарагуага қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қилингиз! Гренада Америка оккупациясидан озод қилинишига эришингиз!

55. Араб мамлакатлари халқлари! Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштирингиз!

Совет-араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

56. Жаҳон халқлари! Исроил қўшинлари араблардан босиб олган ҳамма ерлардан чиқариб юборилишига, империалистларнинг араб мамлакатлари ишларига аралашуви тўхтатилишига эришингиз!

Фаластин халқининг одилона кураши билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик ўрнатилсин!

57. Европа мамлакатлари халқлари! Ғарбий Европадан Американинг янги ядро ракеталари олиб чиқиб кетилиши учун курашни кучайтирингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик бўлсин!

58. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализмга, янги мустамлакачиликка ва гегемонизмга қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

59. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ядро уруши хавфини бартараф этиш учун курашни кучайтирингиз! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қатъий зарба берингиз! Урушга қарши ҳаракатни кенгайтирингиз ва жипслаштирингиз!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, кескинликни юмшатишни ва тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилайлик!

60. Бутун планета кишилари! Ядро, химиявий қурол ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари тақиқланиши учун курашни кенг авж олдирингиз!

61. Жаҳон халқлари! Космик фазо ҳарбийлаштирилиши абадий тақиқланишини қатъий талаб қилингиз!

Космос фақат тинчликка хизмат қилиши керак!

62. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

63. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда).
жойлашган мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдоримиз.

Бу таклифларнинг рўёбга чиқарилиши ер юзининг мана шу қалтис районидаги кескинликни юмшатишга ва умуман халқаро вазиятни соғломлаштиришга кўмаклаша олиши мутлақо равшан.

Гапимнинг охирида ишонч билдириб айтаманки, бизнинг музокараларимиз ҳамда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартнома иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ҳар томонлама ривожлантириш ишига, шунингдек ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига жуда яхши хизмат қилади.

Муҳтарам меҳмонимиз Президент Солиҳнинг ва барча яманлик дўстларимизнинг соғлиғи учун!

Совет Иттифоқи билан Яман Араб Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун!

Яқин Шарқда ва бутун дунёда одилона, мустаҳкам тинчлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан!

А. А. Солиҳ жавоб нутқи сўзлади.

## А. А. СОЛИҲ нутқи

Азиз дўстим, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненко!

Дўстлар!

Дўст мамлакатингиз пойтахтига келишимиз биланоқ бизга кўрсатилаётган самимият, меҳмондўстлик ва ғоят зўр ғамхўрлик учун ўз номимдан ва Яман делегацияси номидан астойдил миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этишдан беҳад бахтиёрман. Хушнудлик билан кутиб олинганлигимиз давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва қалин ҳамкорлик юксак даражада эканлигидан далолат беради.

Азиз дўстим!

Дўстлар!

Яман халқи билан Совет Иттифоқи халқларини боғловчи дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари бундан эллик олти йил аввал бунёдга келган эди.

26 сентябрь шонли революцияси ва ундан кейин рўй берган воқеалар ана шу муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашди. Бу революция мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги-янги истиқболларини очиб берди ва бу ҳамкорлик кўпгина соҳаларни ўз ичига олди.

Мамлакатларимизнинг раҳбарлари 26 сентябрь революциясидан кейин 1964 йилда дўстлик тўғрисида шартнома тузиб, дўстона муносабатларга мустаҳкам пойдевор қўйдилар. Бу шартнома икки томонлама муносабатларнинг асосий йўналишлари ва формаларини белгилаб бериб, ҳамкорликни кенгайтириш ва уни янада ривожлантиришга кўмаклашди.

Биз биргалашиб эришилган яна бир катта ютуқ — дўст мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган ва бугун имзоланган шартномадан ғоят мамнун эканлигимизни изҳор қилишдан бахтиёрмиз.

Азиз дўстим!

Дўстлар!

Дўст мамлакатингизга 1981 йилда қилган визитимизни мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорлик тарихидаги муҳим бир босқич деб биламиз. Ўша визитдан сўнг ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб борди.

Биз иқтисодий тараққиёт планларимизда кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш ишидаги Совет Иттифоқининг ролини кучайтиришга интилмоқдамиз. Ушбу визит иккала дўст мамлакатларимиз ўртасида яхши муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришга янги омил бахш этиб, шу йўлдан олға босилган қадам ва Яман—Совет дўстлиги улуғвор биносига қўйилган мустаҳкам пойдевор бўлади, деган умиддамиз.

Азиз дўстим!

Дўстлар!

Сионистлар давлат тепасига келиб, улар фаластинлик арабларнинг ерларини босиб олгандан бери Яқин Шарқ райони муттасил кескин вазиятда яшамоқда. Тинчлик ўрнатиш юзасидан халқаро кўламда сарфланаётган куч-ғайратларни Исроил назарписанд этмай, фаластин халқи ўзининг ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолаверар экан, Исроилнинг агрессив босқинчилик сиёсати натижаси бўлмиш региондаги танглик вазияти бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилиб тураверади.

Фаластин халқининг ҳуқуқлари, шу жумладан унинг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик Ташкилоти раҳбарлигида ўз диёрида мустақил давлат тузиш ҳуқуқи эътироф этилмас ва тикланмас экан, Яқин Шарқ тинчликдан маҳрум бўлиб қолавериши ва ялпи тинчлик ҳамда халқаро хавфсизликка доимий таҳдид этувчи манба бўлиб туришига аминмиз.

Биз, Яман Араб Республикасидагилар, Совет Иттифоқининг Араб-Исроил можаросини бартараф этиш борасидаги ташаббусини шу районда тинчлик ўрнатиш сиёсий йўлларидан бири деб биламиз. Чунки бу ташаббус араб давлатларининг Фас шаҳрида ўтказилган олий даражадаги 12-кенгаши қарорларида баён этилган фикрга мос келади.

Азиз дўстим!

Дўстлар!

Тўрт йилдан ортиқ давом этаётган Эрон-Ироқ уруши Ироқ халқининг ҳам, Эрон халқининг ҳам манфаатларига сира хизмат қилмайди. Бу уруш мазкур регионда доимий кескинлик манбаи бўлиб қолди. Бундан ташқари бу уруш ташқи олчоқ кучларнинг турли баҳоналар билан регионнинг ички ишларига аралашуви учун шароитлар яратмоқда.

Шу урушга чек қўйишни мақсад қилиб қўйган куч-ғайратларни икки баравар кўпайтириш ва иккала қўшни мамлакат ўртасидаги низоли масалалар урушаётган томонларнинг қонуний ҳуқуқларини назарда тутган ҳолда тинч воситалар билан, музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилишига эришиш зарур.

Шу муносабат билан биз Эрон ҳукуматини Ироқ ҳукуматидан ўрнак олишга ва шу урушни тўхтатиш борасида халқаро кўламдаги куч-ғайратларга ижобий ёндашиб, хунрезликни ҳамда Ироқ ва Эрон халқларининг потенциаллари талон-торож бўлишини тўхтатишга даъват қиламиз.

Азиз дўстим Константин Устинович Черненко!

Дўстлар!

Кейинги вақтларда Қизил денгиз районида, ҳаётий муҳим шу денгиз йўлида кема қатнови хавфсизлигига таҳдид қилиш ва шу ғоятда сезгир региондаги барқарорликни бўшаштириш мақсадида юз берган жиноий қўпорувчилик ҳаракатларидан сизлар воқифсиз, албатта.

Ана шу жиноий ҳаракатларни қоралар эканмиз, Қизил денгизда хавфсизликни таъминлаш соҳил бўйидаги давлатларнинг ўз ишлари эканлигини таъкидлашни хоҳлардик. Қизил денгиз райони тинчлик ва хавфсизлик зонаси бўлиб қолаверишига даъват этамиз.

Азиз дўстим!

Дўстлар!

Яман Араб Республикаси ўзи ўтказган қўшилмаслик сиёсати принципларига амал қилиб, ҳарбий иттифоқ ва блоклар, ҳарбий базалар тузиш сиёсатини бундан буён ҳам рад этиб, қўшилмаслик ҳаракатини мустаҳкамлаш ва халқаро майдонда унинг роли самарадорлигини оширишга қаратилган барча куч-ғайратларни қўллаб-қувватлайверади. Чунки бу ҳаракат халқаро муносабатларга демократизм кучини бахш этиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга актив ёрдам бермоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари ўсиш ва тараққиёт соҳасидаги орзу-умидлари ва ниятларини рўёбга чиқара олишлари учун қўшилмаган давлат сифатида мавжуд халқаро иқтисодий тартиб ва халқаро иқтисодий муносабатлар характерини ўзгартириш мақсадидаги хатти-ҳаракатларни бутун масъулият билан қўллаб-қувватлайверамиз.

Азиз дўстим!

Самимий кутиб олганлигингиз ва зўр меҳмондўстлик учун пировардида яна бир бор сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этишдан ғоят хурсандман. Визитимиз иккала дўст мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва мустаҳкам ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида муҳим бурилиш нуқтаси бўлиб қолади, деб яна бир бор умид билдиришни ҳам истардим.

Эътиборингиз учун раҳмат.

* * *

К. У. Черненко ва А. А. Солиҳ нутқлари эътибор билан тингланди, қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## ТАНЛАНГАН НУТҚЛАР ВА МАҚОЛАЛАР

Ю. В. Андроповнинг «Ленинизм — омманинг революцион куч-ғайрати ва ижодининг битмас-туганмас манбаи» номли танланган нутқлар ва мақолалар тўплами босмадан чиқди. Китоб Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар Юрий Владимирович Андроповнинг хотирасини абадийлаштириш тадбирлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан нашр этилмоқда.

Китобга Ю. В. Андроповнинг 1942 йилдан 1983 йилгача партия ва давлат раҳбар лавозимларидаги фаолиятининг катта даврини ўз ичига олган танланган нутқлари, мақолалари киритилган. Тўплам саҳифаларида марксизм-ленинизм назарияси, СССРда ривожланган социализм қуриш практикаси, КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолияти масалалари ёритилади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

**ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:**

## ЁРДАМЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

**⊙ БЕКОБОД. «Ленинград» совхозида пахтакорларга кўмаклашаётган ҳашарчилар ўртасида мусобақа кун сайин авж олмоқда. Совхоз маъмурияти бу мусобақанинг кейинги беш кунлигига якун чиқарди. Педагогика билим юрти, Бекобод ўрмон хўжалиги ва район матлубот жамияти ҳашарчи коллективлари ғолиб деб топилди. Бу коллективлар совхознинг кўчма Қизил байроқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Ҳаммаси бўлиб юздан ортиқ ҳашарчига қўл соати ва пул мукофотлари тақдим этилди.**

## УЗОҚБОЙ ҲАМОН ОЛДИНДА

⊙ ҒАЛАБА. Свердлов номли колхознинг моҳир механик-ҳайдовчиси Узоқбой Фармонов эришаётган ютуқлар ҳақида илгари ҳам хабар берган эдик. Азамат механизатор вақтдан, техникадан унумли фойдаланиб ҳамон касбдошлари ўртасида илғорликни қўлдан бермай келаётир. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 172 тоннадан ортиб кетди.

Район хўжаликларида бундай пешқадам механик-ҳайдовчилар кўп. «Победа» колхозидан Владимир Ким, «Ленинград» колхозидан Жиянбой Жуманов, «Заря коммунизма» колхозидан Қурбон Ҳожибековлар ҳам ҳозиргача 140—160 тоннадан ошириб пахта териб топширдилар.

## ЯНА 30 ТОННА ТЕРМОҚЧИ

**⊙ БЎКА. Тимирязев номли колхоз пахтакорлари планни бажариш арафасида турибдилар. Бунда механик-ҳайдовчиларнинг хизмати катта бўлаётир. Ана шулардан бири Аҳмад Эшонқулов зиммага олган социалистик мажбуриятини бажарди. Хирмонга 200 тоннадан ошириб пахта топширди. Пахтазорларда иккинчи терим бошланди, дейди у, мен яна ўттиз тонна пахта теришга сўз бердим. Ваъдамнинг уддасидан чиқиш учун курашмоқдаман.**

## БАРАКА КИРЯПТИ

⊙ Шу райондаги «Коммунизм» колхозининг Ҳаким Шодмонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари 63 гектар майдонда мўл ва сифатли ҳосил етиштирдилар. Йиғим-терим ишларига барча куч ва техникани сафарбар этган деҳқонлар маррага эрта етиб келдилар. Ҳар гектаридан 33,5 центнердан ошириб пахта териб олинди. Айни кунларда ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун қизғин меҳнат қилаётирлар.

## ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

**ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

**(Планга нисбатан процент ҳисобида)**

Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Коммунистик | 0,38 | 69,67 | 0,27 | 76,31 |
| Ғалаба | 0,24 | 68,81 | 0,07 | 67,35 |
| Бўка | 0,20 | 66,99 | 0,16 | 61,31 |
| Оққўрғон | 0,44 | 65,80 | 0,05 | 63,76 |
| Чиноз | 0,95 | 61,81 | 1,09 | 33,65 |
| Пискент | 0,26 | 61,36 | 0,20 | 48,81 |
| Бекобод | 0,55 | 59,50 | 0,05 | 39,89 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,27 | 58,25 | — | 58,30 |
| Янгийўл | 0,84 | 58,09 | 0,10 | 35,28 |
| Область бўйича: | 0,42 | 63,44 | 0,17 | 55,01 |

## ЭЛЛИК ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ

КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг Искандар Хўжакаев бошчилик қилаётган 18-бригадаси пахтакорлари йиғим-теримда пешқадамлар сафида боришяпти. Бунинг боиси бор. Бу коллективда ҳамма иш бригада сардори бошчилигида пухта ташкил этилади. Ёз бўйи ғўза парвариши ҳам намунали олиб борилди. Мана бугун ана шу меҳнатлар самараси ўзини кўз-кўз қилиб турибди.

— Ҳозир кунига йиллик планнинг 4—5 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришяпмиз, — дейди Искандар Хўжакаев, — коллективимизнинг ҳар бир аъзоси йиллик план ва мажбуриятимизни ҳам хўжаликда биринчилардан бўлиб бажаришга эришиш учун фидокорона меҳнат қиляпти.

Ҳақиқатан ҳам бригаданинг Аъзам Миржамолов, Бегмат Эштоев, Султон Эрназаров сингари тажрибали пахтакорлари йиғим-теримда бош-қош бўлиб терим суръатини ошириб боришяпти. Шуниси диққатга сазоворки, бригадада йиғиштириб олинаётган ҳосил фақат юқори сортларга топширилаётир. Миришкорлар республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини 50 центнерлик марра билан кутиб олишмоқчи.

О. ЮНУСОВА.

СОВЕТ МОЛДАВИЯСИ—60 ЁШДА

## ГУЛЛАБ, ЯШНАЁТГАН ЎЛКА

Молдавия Совет Социалистик Республикаси ва Молдавия Коммунистик партиясининг 60 йиллик тарихи социализм ҳаётий кучининг, доно ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин далолатидир.

Ўтмишда Молдавияга ўроқ, мих, тугма сингари энг оддий буюмлар ҳам четдан келтирилар эди. Ҳозирги пайтда эса республиканинг 550 дан кўпроқ корхонасида насослар, қудратли электр двигателлари, тракторлар, помидор териб оладиган комбайнлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Молдавия 300 турдан кўпроқ саноат маҳсулотини жаҳоннинг 67 мамлакатига экспорт қилади.

Мамлакат халқ хўжалик комплексида республика боғдорчилик ва узумчиликка, сабзавотчилик ва техника экинлари етиштиришга ихтисослаштирилган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти етиштириш 1940 йилга нисбатан тўрт баравар, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш эса беш баравар ортди.

Молдавиянинг 200 дан кўпроқ ишчиси, қишлоқ хўжалик меҳнаткаши фидокорона меҳнатлари эвазига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган. 40 мингдан кўпроқ киши эса СССР орден ва медаллари билан тақдирланган.

Республикада фан ва маданият соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга эришилди. Совет ҳокимияти даврида молдаван халқи ўзининг асрий қолоқлигига барҳам бериб, ҳозирги пайтда мамлакат интернационал маданиятини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшяпти. Молдавия ССР Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва олий ўқув юртларида минглаб илмий ходимлар тадқиқот ишларини олиб боряптилар.

Ленин орденли, Октябрь революцияси ва Халқлар дўстлиги орденли Молдавия ССР меҳнаткашлари шонли юбилейни экономика ва маданиятни юксалтиришда катта муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб оляптилар.



**СУРАТЛАРДА: Кишинев трактор заводи Молдавия машинасозлигининг байроқдоридир. Бу ерда мамлакатимиз жанубий республикалари хўжаликларида ишлатиладиган тракторлар ишлаб чиқарилади.**

М. Потирнике фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

